

# Сўз Аъмоллар



## Аъзам ОБИД,

**таржимон ва шоир:**

– Нима дейишни эмас, қандай айтишни билиш муҳим. Бу борада, айниқса, таржимонлардан катта масъулият талаб этилади. Адабий таржима чоғи ҳар бир сўзнинг ички маъно, жило ва товланишларини қалбингиздан ўтказмасангиз, асар обрўсини тўкиб қўйишингиз мумкин.

Сўз – малҳам, шу билан бирга, у заҳри қотилга ҳам айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Инсон суҳбатлашаётганда бир хил сўздан кўп фойдаланиб, аммо ҳар хил оҳангда айтиши орқали ички ҳиссиётларини ҳам ифодалай олади. Матнда бунинг имконияти борми? Албатта, йўқ! Шу боис сўз юкини тўла англамай, маънодош сўзларнинг хусусий бўёқдорлигини инобатга олмай, таржимон ўқувчи фикрини охиригача етказиб бера олмайди.

Сўз бойлигини ошириш ва бу борадаги савқи табиийсини кучайтириш учун эса, албатта, китоб билан дўстлашмоқ керак. Қоғоз қоралаб, ижод маҳсулим ўқувчи томонидан муносиб қабул қилинишига интилар эканман, ҳамиша ўз устимда ишлаб, изланишдан тўхтаб қолмасликка интиламан. Бинобарин, тилда сўзлар сони чегараланган бўлса-да, уларни ишга солиш усуллари саноқсиз.

**Дилбар ОХУНОВА**